



ШИФОКОР ВА БЕМОРНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ

Атамуратова Феруза Садуллаевна

Тошкент тиббиёт академияси Ижтмоий фанлар кафедраси

доценти, фалсафа фанлари номзоди

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7710420>

ARTICLE INFO

Received: 28th February 2023

Accepted: 08th March 2023

Online: 09th March 2023

KEY WORDS

Тиббиёт, шифокор, бемор, этика, ахлоқ, инсон, тенглик, ҳамдардлик, қадр-қиммат.

ABSTRACT

Ушбу мақола шифокор ва беморнинг ўзаро муносабатларига бағишланган бўлиб, унда инсон қадр-қиммати, тенглик, ҳамдардлик каби масалалар таҳлил этилади. Ушбу таҳлил бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, Женева декларацияси (1948 йил), Тиббиёт ахлоқининг халқаро кодекси (1949 йил), Тиббиёт ходимларининг ахлоқ-одоб кодекси (2022 йил) га асосланади.

Шифокор ва беморнинг ўзаро муносабатлари тиббиёт этикасининг асосий масаласи ҳисобланади. Женева декларацияси (1948 йил) нинг талабларидан бири – шифокорнинг “бемор соғлиғи устиворлиги”ни унутмаслигидир [1]. Жаҳон тиббиёти уюшмаси томонидан қабул қилинган Тиббиёт ахлоқининг халқаро кодексида (1949 йил) “шифокор беморга имкон қадар содиқ бўлиши ва унинг соғлиғини сақлаш учун барча илмий билимлардан фойдаланиши керак” лиги қайд этилган [1]. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 24 мартда тасдиқланган Тиббиёт ходимларининг ахлоқ-одоб кодексидаги “Тиббиёт ходими ва бемор муносабатлари” деб номланган 6-бобида “Тиббиёт ходими даволаш ва ташхис қўйиш жараёнини ташкил қилишда, шу жумладан, дори-дармон билан таъминлашни ўзи ва тиббий муассасанинг манфаатини устун қўймаган ҳолда юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатиши лозим” деб ёзилган [2].

Шифокор ва беморнинг ўзаро муносабатларининг турли жиҳатлари мавжуд бўлиб, улар орасида тенглик тамойили муҳим аҳамият касб этади. Шунини айтиш керакки, инсонларнинг қадр-қиммати ва тенглиги тамойили нисбатан яқинда пайдо бўлган. Тарихдан маълумки, турли даврларда инсонга нисбатан тенг муносабатнинг ўрнатилмаганлиги одатий ҳол бўлиб келган. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин, жумладан, қуллик, қора танлиларнинг камситилишлари, аёлларга нисбатан тенгсизлик, ёшига ёки ногиронлигига нисбатан камситилишлар ва ҳ.з. Уларнинг баъзилари бугунги кунгача сақланиб қолган.

Тенглик тамойилининг дастлабки кўринишларидан бирини Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Биллда кўришимиз мумкин. XX асрга келиб инсон ҳуқуқлари концепцияси доирасида “инсон тенглиги” тушунчаси сезиларли даражада такомиллашди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қабул қилган дастлабки ҳужжатлардан бири -



Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларацияси (1948) ҳисобланади. Унинг биринчи моддасида шундай дейилган: “Ҳамма инсонлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилдилар” [3]. Ушбу тамойил асосида халқаро ва миллий ташкилотлар томонидан барча инсонларга ёки маълум бир мамлакат аҳолиси ва маълум бир гуруҳларга (болалар ҳуқуқлари, беморларнинг ҳуқуқлари, истеъмолчилар ҳуқуқлари ва б.) таалуқли бўлган кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Ушбу ҳужжатларда кўрсатилган ҳуқуқларни амалга ошириш мақсадида ташкилотлар ҳам тузилган. Жумладан, “соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши” тамойили Тиббиёт ходимларининг ахлоқ-одоб кодексининг тамойилларидан бири ҳисобланади. Лекин, шунга қарамасдан, бугунги кунда кўплаб мамлакатларда инсон ҳуқуқларига риоя этилмаётганлиги ҳаммамизга маълум.

Тиббиётда ушбу масалага нисбатан турли қарашлар мавжуд. Бир томондан, шифокорларга “беморнинг ёши, касали, ногиронлиги, дини, миллати, жинси, сиёсий қарашлари, ирқи ёки ижтимоий ҳолатидан қатъи назар ўз вазифаларини бажариш юкланган” (Женева декларацияси) бўлса, иккинчи томондан, шифокорлар шошилишч ёрдамга муҳтож беморлардан ташқари бўлган беморларни қабул қилишдан бош тортиши ҳуқуқини сақлаб қолишган. Шифокор беморни даволашдан бош тортиши учун турли баҳоналар мавжуд, масалан, ишнинг ҳаддан зиёд кўплиги ёки билимларнинг етишмаслиги. Демак, бундай ҳолатларда инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишнинг ягона усули қонунлар ёки интизомий меъёрларга риоя этишгина эмас, балки шифокорнинг виждонли бўлиши кераклигидир.

Барча беморларни ҳурмат қилиш ва уларга тенг муносабатда бўлишида шифокорнинг ҳамдардлиги муҳим аҳамиятга эга. Агар бемор шифокор томонидан ҳамдардликни ҳис этса, шифокор унинг манфаати учун ҳаракат қилаётганлигига ишонади ва бу ишонч даволаниш жараёнида ўз аксини топади. Тиббиёт ахлоқининг халқаро кодексида кўрсатилишича: “Шифокор беморга иложи борида содиқ бўлиши ва барча илмий билимларини унинг фойдасига ишлатиши керак. Агар беморни текшириш ёки даволаш жараёнида шифокорнинг мутахассилигига етишмаса, у зарур кўникмаларга эга бўлган бошқа мутахассисни таклиф қилиши шарт” [1]. Агар сабаб муносиб бўлса, шифокор беморга бошқа шифокорни топишда ёрдам бериши ёки бунинг иложи бўлмаса, беморни даволашни тўхтатиши кераклиги ҳақида огоҳлантириши зарур. Шунда бемор ўзига бошқа муқобил тиббий ёрдамни топиши мумкин бўлади. Тиббиёт ахлоқининг халқаро кодексидага кўра, агар шифокор беморни даволашдан бош тортиши учун ҳеч қандай асос бўлмаса (масалан, ирқий камситиш) шифокорнинг ўзига нисбатан чора кўриш лозим бўлади.

Барча беморларни ҳурмат қилиш ва уларга тенг муносабатда бўлиш тамойили билан боғлиқ яна бир муаммо юқумли касалликка чалинган беморларни даволаш жараёнида пайдо бўлади. Бугун осон ва тез юқадиган кўплаб юқумли касалликлар мавжуд. Бундай касалликлар билан тўқнаш кеганда шифокор касалликни юқтириб олиши мумкинлигини биламиз, лекин, Тиббиёт ахлоқининг халқаро кодекси шифокорлардан барча беморларга тенг муносабатда бўлишини талаб қилишда юқумли беморларни истисно қилмайди. ОИТСга чалинган беморлар билан ишлашда шифокорларнинг касбий вазифалари тўғрисидаги Жаҳон тиббиёт уюшмаси (ЖТУ)



қоидаларида қуйидагилар таъкидланади: “ОИТСга чалинган беморлар инсон шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилган ҳолда малакали тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига эга” [1]. “ОИТС билан касалланган одам профессионал даволанишга муҳтож” [2]. Ахлоқий меъёрларга кўра, шифокор ўз ваколати доирасида беморни даволашдан фақат беморнинг юқумлилиги туфайли бош тортиши мумкин эмас. ОИТС билан касалланган бемор профессионал даволанишга муҳтожлиги сабабли, талаб қиладиган даволаниш ва парваришлашни таъминлай олмайдиган шифокор беморга бошқа мутахассисга ёки тиббий муассасага йўллаши керак бўлиб, маълумот берилгунга қадар шифокор беморга имкони борича хизмат қилиши зарур. Бу талаб Тиббиёт ходимларининг ахлоқ-одоб кодексида ҳам белгиланган “Тиббиёт ходими беморларга сифатли, самарали ва хафсиз тиббий ёрдам кўрсатиши шарт. У ўз фаолияти давомида диагностика ва даволаш усуллариининг афзалликлари, камчиликлари, оқибатларини ҳисобга олиши лозим. Агар тиббиёт муассасасида зарурий шароит ёки ресурс бўлмаса, тиббиёт ходими беморни муносиб тиббиёт муассасасига йўналтириши керак” [2].

Хулоса қилиш мумкинки, шифокор ва беморнинг ўзаро муносабатлари нозик маслал бўлиб, бугунги кунда ҳам долзарб ҳисобланади. Чунки фақат улар ўртасидаги ўрнатилган ижобий муносабатлар даволаниш жараёнининг самарасига бевосита боғлиқ бўлади.

References:

1. Женева декларацияси// <https://thelib.info/filosofiya/2575489-zhenevskaya-deklaraciya-klyatva-vracha/>
2. Тиббиёт ходимларининг ахлоқ-одоб кодекси//ССВ Б88//24.03.2022.
3. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 217 А (III) Резолюцияси. 1948 йил 10 декабр// <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>
4. Сухроб Дўстмуродович Норқулов. Шифокор ахлоқи ҳақида баъзи мулоҳазалар // Academic research in educational sciences. 2022. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/shifokor-ahlo-i-a-ida-bazi-mulo-azalar>
5. Атамуратова, Ф. С., & Седенков, А. Н. (2020). Равенство и доступность в сфере медицинских услуг//<http://repository.tma.uz/xmlui/handle/1/4692>